



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 15 март, сешанба № 42 (1883)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг матбуот учун ахбороти

Тошкент шаҳри 2005 йил 12 март **Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси IV модалга мувофиқ Ўзбекистон ҳукумати билан маслаҳатлашуви доирасида муҳокама ўтказиш учун 2005 йил 24 февралдан 12 мартга қадар Ўзбекистон Республикасида бўлди. Миссияга Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти маслаҳатчиси жаноб Жон Вейкман-Линн раҳбарлик қилди.**

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ХВЖ миссияси 2004 йилдаги иқтисодий ривожланиш масалалари ва 2005 йил ҳамда ўрта муддатли истиқболдаги прогнозлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг иқтисодий ислохотлар дастурини муҳокама қилди. Миссия қайд этадики, умуман 2004 йилги иқтисодий кўрсаткичлар жуда яхши бўлган, яъни ички маҳсулотнинг 7,5 фоиз, оltин-валюта захираси 30 фоиз, экспорт 30 фоиз ортгани ҳисобига савдо балансида 1 миллиард АКШ долларлари миқдорда ижобий сальдога эришилгани бундан далолат беради. Бу натижаларга ҳукумат ХВЖ Битимлари моддаларининг VIII моддасини имзолагандан сўнг сўмининг конвертация қилиниши ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги давлат корхоналарини хусурийлаштириш жадаллаштирилгани тўғрйли эришилди. Миссия Президент

Ислом Каримов томонидан 2005 йил январда илгари сурилган иқтисодий ислохотлар қилиш бўйича кенг қўламли дастурни юқори баҳолайди. Мазкур дастур иқтисодий-таркиблириш жараёнини чуқурлаштириш ва хусурий тармоқни жадал ривожлантиришни кўзда тутеди. Ушбу дастурнинг асосий устуворликлари хусурийлаштириш қўламини кенгайтиришдан, хусурий бизнес ҳукукларини янада ишончли ҳимоялаш тизимини яратиш орқали унинг фаоллигини сезиларли даражада оширишдан, банк-молия тизими, уй-жой ва коммунал хўжаликни ислох қилишни давом эттиришдан, шунингдек, солиқ қонунчилиги ва солиқ бошқарувни такомиллаштиришдан иборатдир. Миссия ташкиллашдики, бу чора-тадбирлар макро-иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш орқали, шунингдек, тузилмавий ислохотларни давом эттириш, жумладан ширкатларни кескин тугатиш ва уларнинг негизда хусурий фермер хўжа-

ликларини ташкил этиш, жамғариланган пенсия тизимини амалга киритиш билан бирга Ўзбекистон иқтисодий ўсишининг ўрта муддатли прогнозларини анча яхшилаш имконини беради. Миссия Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг яқинда қабул қилинган тижорат банклари ўз корреспондент ҳисоб рақамларидан чекловсиз фойдаланишини, жумладан нақд пул олишнинг таъминлаш тўғрисидаги қарорини маъқуллади. Бу нақд пул танқислигига тўлиқ барҳам беради. Миссия ислохотлар жараёнини янада чуқурлаштириш юзасидан қатор тавсиялар берди. Жумладан, миссия ҳали мулкда давлат улуши мавजूд бўлган банкларни хусурийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоғини, ички ва ташқи савдонини янада эркинлаштиришни тавсия қилди. Бу тавсиялар иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳукумат томонидан жиддий ўрганилиши керак.

Миссия самимий ҳамкорлик, самарали ва очиқ мулоқот учун ҳукумат органларига миннатдорлик билдирди.



То фасли баҳор зеби олам бўлғай. Ул зеб ила бог сабуз хуррам бўлғай. **Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати Қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида мамлакатимизнинг бундан кейинги сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий истиқболини аниқ белгиллаб берди. Маърузада дин ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақида ҳам сўз юритилди. ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси ШОЗИМ МИНОВАРОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

ИНСОН ЭЪТИҚОДСИЗ, ИЙМОНСИЗ ЯШАЙ ОЛМАЙДИ

Бугун дунёда глобаллашуви жараёни келмакчи бўлган мамлакатимизда Шундай бир пайтда диннинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак? Глобаллашуви жараёни ҳаётнинг барча соҳаларини, жумладан, маданий соҳани ҳам қамраб олмакчи бўлган. Бунинг ижобий томонлари билан бирга, салбий оқибатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, оддий тиш пастасининг рекламаси учун ҳам беҳаё сахналардан фойдаланиш ва бундай роликларнинг айрим каналларда дамба-дам тасвирланиши турмуш шароитига қадриятларга, ислом қадриятлари ва турмушларига, ана шу турмушлар ассосида тарбияланиб келаётган халқимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Энг ёмони, бундай ҳолат мутаассиблик ҳолатини тарқатаётган гуруҳларга «Мана сиз эргашаётган демократия. Турмуш тартибига кири келмаётган маданият фарзандларингизга нимани ўргатаётган», дейишлари учун қўл келмоқда.

Динига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини англади. Ислом динини ниқоб қилиб манфур ишларни амалга ошираётган бир гуруҳ мутаассиблар ер юзидеги бир миллиард уч юз миллиондан ортқ мусулмоннинг дунёқарошини белгиллаб олмайди.

Диний экстремизм қандай кўринишда бўлмасин, қандай ном билан аталмасин, унинг асосий мақсоди ҳокимият таласига чиқиш. Ҳоҳ у ислом пуританизми бўлсин, ҳоҳ бутун дунё мамлакатларини бирлаштириб, ягона халифалик ўрнатадан, деган хом халқ билан уларнинг ҳам, уларнинг ҳам қалби-тиб юрган «хизбут тахрир»чилар бўлсин - уларнинг ҳақиқий ислом динига заррача алоқаси йўқ.

Аксинча, бундай ҳаракатлар ислом динига қарши ишлаяпти. Давлатимиз раҳбари Россиянинг «Независимая газета»си мухбирига берган интервьюсида «Мусулмончиликни террорчилик билан тенглаштириш, бен Ладени бутун ислом намоёнаси деб кўрсатишга уриниш ҳолатлари ҳам учрайди. Бундай қараш ва тақлирлар ислом дини ҳақида нотўғри тасаввур уйғотади ва бутун дунёда унга нисбатан таҳлика муносабатини келтириб чиқаради», дейди. Бордию бугун қаердадир ислом динидан чўчиш кайфияти учраётган бўлса, бунга дин эмас, динни ниқоб қилиб олган экстремизм айбдордир. Улар ислом тарафдорлари эмас, аксинча, ислом динининг душманларидир.

Ислом - маърифий дин. У нафсга берилишни, мол-дунёга хирс қўйишни, рибкорликни, ёлғончиликни, гийбатни, тақабулчиликни, манманлиқни, фахшнинг, ичкикилбоқликни - қўйиш, олган ишонч ноқобидеб ҳисоблайдиган барча иллатларни қўрамайди. Дунёвий жамият учун хос бўлган умумалоқий меъёрлар динимизнинг ушбу қоидаларига ҳамохандир.

Миллий уйғониш, ўзлиқни англаш каби маънавий-руҳий жараёни бошимиздан кечираётган бир пайтда эътиқод туйғуларининг тўла шаклланишига, унинг тантаналилигига, кўпроқ эҳтиёж сезишимиз. Эътиқод ва яхшиликнинг тақомилга етиши эса ўзини эсимизда яшаётган миллий ғурурнинг, бизга маънавий-руҳий қувват берадиган ўзлиқимизнинг қамолга, уни нечоғли араб-аввалишимизга боғлиқ. Буни барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

ЎЗА мухбири ВОХИД ЛУҚМОНОВ суҳбатлашди

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабаси уюшмаси қурултийдан

Қурултой том маънода ошқоралиқ, ишчанлик, танқид, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Хайт ўртага қўйётган долзарб масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, қамчиликларга барҳам бериш, ҳал қилувчи бўгинларда фаолият юритаётган бошланғич ташкилотлар жанговорлигини кучайтириш юзасидан аниқ тақлифлар ўртага ташланди.

БИРГИНА ХОҲИШНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ

Анжуманда ҳисобот маъруза қилган Марказий кўмита раиси Ш.Одилев ҳамда музокарада сўзга чиққан нотиклар ташкиллашди, ўтган йиллар анчайин мураккаб шароитда фаолият юритаётган тўғри келди. Тармоқда ишловчилар сонининг қисқариши, бир қатор бошланғич ташкилотларнинг бошқа тармоқларга ўтиб кетиши барча имкониятни ишга солган ҳолда омирлик, изчиллик ва ташкилотчилик кўрсатиб ишлашни тақозо этди. Ҳамжихатликда корхоналар молиявий аҳолининг соғломлаштириш йўллари изланди, бу борадаги илғор тажрибалар омаллаштирилди. Айниқса, санациянинг қўланилиши, истиқболли дастурларнинг амалга оширилиши тармоқлар аҳолисини анча яхшилланишида муҳим омил бўлди. 2004 йилга келиб иш ҳақидан қарадорлик даражаси сезиларли даражада қайтади. Марказий кўмита вази-ятга тўғри баҳо бериб, ижтимоий шериклиқ тизимини ривожлантириш, меҳнат низоларини ҳал этиш тартибидан унумли фойдаланиш орқали касабаси уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоялашга эътиборни кучайтирди. Ижтимоий шериклар — «Узавтосаноат», «Узэлтех-саноат», «Узмашсаноат», «Узолмослотин» уюшмалари, «Махсус қўшма» республика ташкиллоти, «Узданстандарт» ва бошқалар билан ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан 8 та тармоқ битимларининг қабул қилиниши фаолиятни янгича талаблар даражасида ташкил этишда асосий омиллардан бўлди.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон автомобил транспортни ва йўл хўжалиги ходимлари касабаси уюшмаси қурултийдан

Кейинги йилларда мамлакатимиз автомобил транспортни ва йўл хўжалиги тармоғида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2001 йилдаги Автомобил транспортни соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарувни такомиллаштириш тўғрисидаги Фармони тармоқ ходимларининг бундан бўёнги амалга оширадиган ишларини белгиллаб берди. Натижада нодавлат сектори кескин суръатлар билан ривожланди.

ИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ КАДРЛАР ҲАЛ ЭТАДИ

Кўпчиликланган узоғини яқин, юқини енгил қилаётган тармоқ меҳнатқашлари учун ҳукуматимиз томонидан кўпгина имтиёзлар яратилмоқда. Бунинг натижасида охириг уч-тўрт йил ичида 45 минг автотранспорт аҳолига хизмат қўрсатапти. Бундан уч йил олдин хусурий ташувчи-ларнинг улуши бор-йўғи 8 фоизни ташкил этган бўлса, айни кунларда бу рақам 40 фоиздан ортиб кетди. Республика туман ва шаҳарларда аҳоли яшаш жойларини бир-бири билан боғловчи 400 дан зиёд йўналишлар қайта тикланди.

Мамлакатимизда йўл қурилиш соҳаси-га ҳам жиддий эътибор берилди. «Буюк Ипак йўли»нинг замонага мос равишда тикланиши, республикамизни жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари билан боғловчи «Тошкент — Ўш — Қашқар», «Термиз — Афғонистон — Ҳинд океани», «Туркменистон — Сараҳс — Машҳад», «Навоий — Учкудук — Султонувайтсого — Нукус» ҳамда «Тошғузор — Бойсун — Қумқўрғон» синга-ри бир қатор автомагистрал, кўприқлар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий-иқтисодий барқарорлашуви ва маданий алоқаларимизнинг ривожланишига хизмат қилляпти.

Мана шундай бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, соғломлаштириш ҳамда улар ўртақсизда — Юрт истиқлолидан сўнг савдога жуда катта эркинлик берилди. Шундай имкониятдан фойдаланил-мади, — дейди собиқ савдо ходими Муртоз Анқабоев, — Оқибатда менга

Хўш, шундай шароит-да диннинг ўрни қандай бўлиши керак? Диннинг вазиғаси одамларда инсоний фазилатларни тарбиялашдан, маърифат тарқатишдан, ёмон ишлардан қайтаришдан иборат. Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларданок давлатимиз раҳбари маънавият соҳа-сига, жумладан, динга катта эътибор қаратиб келмоқда. Мустақиллик йилларида ислом дини илмига улкан хисса қўшган буюк юртдошларимиз Имом ал-Бухо-рий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Мотурудий каби алломуларимиз хо-тираларини тиклаш, уларнинг илмий меросини ўрганиш бўйича кат-та ишлар амалга оши-рилди. Конституцияимиз-да фуқароларимиз иста-ди динига эътиқод қилиш ёки эътиқод қил-маслиғи, диний таълим олиши ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланган. Мамла-катимизда ҳамжихатлик-ни, тинчлик ва бағрикенглигини таъмин-лашга икки мингдан ор-тиқ диний ташкилот ўз хиссасини қўшиб кел-моқда. Ибодат қилиш, рўза тутиш, муқаддас жойларни зиёрат этиш

олиб бормаётганлигини кўрсатади. Иқтисодий ночор корхоналар ишлари худудий бошқармаси му-тахассислари эътироғида, қатор жамоаларда дебиторлик қарзлари ошиб кетган, оиборларда бозор талабига жавоб бермайдиган товар захиралари қўлпайган. Йиллар да-вомида ишлаб чиқаришга янги тех-нологияни жорий қилмаслик ҳам дард устига чиққон бўлаёттир. Тўғри, ночорликдан қутилиб кета-ётган ҳам оз эмас. Масалан, Гу-листон туманида чўкиб қолган 8 та корхонанин 7 таси инқироздан олиб чиқилди. Сайхонбод туман-ида ҳам ночорликка қарши аниқ чора-тадбирлар қўлланиляпти. Демак, ҳамма гап ишнинг кўзини билиб ишлашда, бозор талаб-ларини ҳисобга ола биллишди.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Иқтисодий юксалиш — изланиш, янгиликни илғай билишдан бошланади. Давр иштини ҳис этмаслик, талаб ва тақлифни инобатга олмаслик таназзулга етказмайди. Ана шуларни ҳисобга олманган Сирдарё вилоятдаги 23 та корхона танг холга қолди.

Худуддаги савдо тизими корхоналарининг асарияти ана шундай ҳолатга тушди. Манзара бошқача бўлиши ҳам мумкин эди. Бироқ, соҳада айланма маблагларни мақсадсиз йўналтириш, катта миқдордаги банк кредитларидан фойдаланишдаги мезонлар бузилиши, ҳисоб-китобдаги чалқашлик, харидор талабига мос маҳсулотлар со-циини ташкил этмаслик уларни қийин аҳолга солди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 4 та савдо ташкилини инқирозга юз тутди. Яна бир гап. Соҳада пайдар-пай хусурийлаштириш, энг гавжум нуқта-ларнинг кези келган кишиларга бериб юборилиши ҳам соҳанин-га заифлашувига олиб келди. Ўрни келганда бир мисол.

Мирзаобод туманида ҳам 30

дан ошиқ шохобчаларга эга бўлган савдо ташкилоти бор эди. Аммо у хусурийлашган, шароитга мослаша олмади. Соҳа раҳбарларидеги укв-сиялик, ўз вазиғаларига совуққон-лик оқибатида иш барбод бўлди. Ас-лола шундай нуфуз, етарли базага эга ташкилот ҳар жиҳатдан ташаб-бусни қўлга олиши, миқозлар ишон-чини қозониши мумкин эди. Нати-жада тадбиркорлар билан рақобат-да бутун бошли бир ташкилот си-ниб кетди.

БОЗОР ШАРОИТИГА МОСЛАШМАГАЧ

ўшаб ишсиз қолганлар кўпайди. Бозор талаби қатий. Олма пиш, оғзимга туш, дейиш билан мурод ҳосил бўлмайди. Лекин, инқироз оstonасида хотиржам, бепарво тур-лик қодаётганлар ҳамон бор. Ви-лоят машина-трактор ва «Сувоқа-ва» бирлашмалари, коммунал фой-даланиш бошқармаси, Мирзачўл қурилиш очик акциядорлик жамия-ти, Ўзбекэнерго тизимидеги қатор ташкилотлар иқтисодий кўнгилдаги-дек эмаслиги мутасаддиларини таш-

Мухбир нуқтаи назари

вишга солмаётгани ажабланарли. Энг ачинарлиси, юқорида номлари зикр этилган корхоналарда ходим-ларнинг ижтимоий-иқтисодий ман-фаатларини ҳимоялаш, ойлик маош билан таъминлашда узилишлар қайд этиляпти. Хатто 5 ойдан буюн ойлик маош ишланган ташкилот-лар ҳам бор. Хусусан, вилот МТПлар бирлашмаси кўйи бугун-лариде яна шундай сансалорликка дуч келиш мумкин.

Ночорлик аломатлари мавजूд бўлган корхоналар салмоғи Гули-стон, Янгйер шаҳарлари, Сирдар-ё, Ховос туманлариде анчагина. Бу ҳолат маъзур шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодий масала-лар бўйича ўринбосарлари, банк ва солиқ идоралари мутасаддилар-и қолақ ташкилотлар молиявий аҳолини соғломлаштиришга қара-тилган ишларни етрали даражада

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЕ НЕГИЗИДА

«Файз-қодин» компанияси таркибиде 30 дан ор-тиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Булар орасида маҳаллий хомаше неғизиде махсулот ишлаб чи-қарётган корхоналар ҳам бор.

Компания материаллар тайёрлашни маҳаллийлашти-риш дастури доирасида яна қатор тадбирларни амалга оширишга киришди. Бу эса маҳаллий хомаше неғизиде тайёр махсулот, бўлғочини материаллар ишлаб чиқариш турларини кўлайитириш имконини беради. Прессланган сомондан плита тайёрлаш ҳам йўлга қўйи-лади. Бунинг учун алоҳида завод бунёд этилади.

Янги корхона йилига 40 минг куб метр ДСП ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Жаҳон андозаси даража-сида тайёрланадиган бундай махсулотлар четга ҳам кўплаб етказиб берилади.

Прессланган сомондан тайёрланадиган бу хил мебел-ларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда компания Ита-лия, Малайзия мамлакатлари мутахассислари билан ҳам-корлик қилади.

А.АЛИЕВ

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси қурултойидан

БИРГИНА ХОҲИШНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ

(Боши 1-бетда)

Меҳнат муҳофазаси касаба уюшмалари фаолиятида етакчи ўрин тутади. Корхона раҳбарлари ва жавобгар мансабдор шахслар эътибори меъёрий ҳужжатлар орқали ушбу долзарб масалага қаратилди. Натижада ишловчилар шарт-шароитини яхшилаш, уларни махсус кийим-бош, шахсий химоя воситалари билан таъминлаш борасида муайян силжиларга эришилди. Энг муҳими, амалга оширилган тadbирлар шарофати тўғрисида йил сайин жароҳатланган, оғир тан жароҳати олиш ва ўлим билан тугаган ҳодисалар сони камайди. Мақсадга эришишда "Энг яхши корхона, цех, бригада, касаба уюшма кўмитаси ва меҳнат муҳофазаси вакили" деб номланган кўрик-танловларнинг фойдаси катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хисобот даврида меҳнатқашлар, улар фарзандларини соғломлаштириш, дам олдириш, бўш вақтин мазмунини ўтказиш ва албатта спорт, маданий-тарбиявий масалалар ҳам диққат-марказида бўлди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун тармоқда 6 та санаторий-профилакторий, 17 та болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари, 9 та дам олиш уйлари, 5 та маданият саройи ва клублар, 5 та спорт иншоотларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Хар йили санаторий-профилакторийларда 7 миңдан зиёд меҳнатқашлар, энг сўлим масканларда эса 20 миңга яқин ўғил-қиз дам олдирилмоқда. Бироқ, таъкидлаш жоиз, кимлардир "маблаг" йўқ баҳонасида ўта муҳим масалага муайян даражада эътиборни сусайтириб юбордилар. Демак, ходимлар фаоллиги, касаба уюшманинг яхлитлиги ва бирдамлигини таъмин-

лаш учун астойдил иш олиб бориш лозим.

2003 йида касаба уюшманинг ўрта бўғин тизимини қайта шакллантириш тугалланди. Республикадаги 8 та ҳудудда касаба уюшма кўмиталари раислари Кенгашлари тузилди. Бунинг аҳамияти шундаки, касаба уюшма ўрта бўғинлари аппарати харажатлари қисқарди ва ҳудудларда ташкилотчилик ишларини янада яхшилаш имконияти яратилди. Боз устига, қоғозбозлик, мажлис-бозлик барҳам топиб бормоқда. Касаба уюшма етакчилари, фаоллар кўпроқ бошланғич ташкилотларда, ҳаёт қайнаган жойда бўлишга интилоқдалар.

Сўнгги йилларда Марказий кўмита Халқаро Европа ва Осиё металл ишчилари касаба уюшмаси Федерацияси билан ҳамкорлик ишларини фаол олиб борди. Хар йили турли даражадаги ўқув семинарларига вакиллар юбориб турилди. Беш йил давомида Халқаро Европа ва Осиё металл ишчилари касаба уюшмаси Федерацияси ўқув марказида 60 киши ўқитилди. Буларнинг ҳаммаси иш усули ва услубларини такомиллаштириш, жангворликни таъминлашда яқиндан ёрдам бермоқда.

Шубҳасиз, тармоқдаги аксарият корхоналарнинг раҳбарлари, мутахассислари ўз ишининг ҳақиқий жонқуридир. Бироқ, ҳаёт кўрсатмоқдаки, истакнинг ўзи камлик қилади. Бозор қийинчиликларини енгиб ўтиш, иқтисодий ёрдам олиш, ҳар бир корхонанинг ўзига хос муаммоларини кўра билиш ва уларни вақтида ҳал этиш учун кучли салоҳият, билим, қатъиятлик ва албатта ташкилотчилик зарур. Баъзи етакчиларда айнан шу жиҳатлар етишмаётгани анжуманда танқид қилинди. Долзарб масалалардан бири тармоқда ходимлар сони камайишига йўл қўймаслик даркор. Қадрларни тайёрлаш ва қайта

тайёрлаш, уларнинг билим ва тажрибасини ошириш биринчи галдаги вазифалардандир. Демак, кадрларни бандлик бўйича Давлат дастури ва корхоналар ҳисобидан ўқитиш чораларини кўриш, тармоққа иқтидорли ёшларни иложи борича кўпроқ жалб этиши лозим.

Меҳнат муҳофазаси, соғлиқ ва ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳозирги кунда касаба уюшмалари олдида турган муҳим вазифадир. Маълумки, ишловчиларнинг муайян қисми санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган шароитда фаолият юритишмоқда. Дейиш мумкинки, гап кўп-у амалий ишдан эса ханузгача дарак йўқ. Шу боис меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган махсус кийим-бош, пойфазал ҳамда шахсий химоя воситалари айрим ерларда муаммолигича қолмоқда. Ишловчиларга соғлом ва хавфсиз иш шароитини яратиш касаба уюшмаларининг муҳим вазифаси. Буни барча яхши билса-да, қайсидир жойларда айрим чет эл компаниялари ёлланма ходимларни, кирилотлар лозим даражада қатъиятлик кўрсатмапти. Худди шундай жойларда энг нуфузли жамоат ташкилоти обрўсига путур етмоқда.

Охириги вақтларда соғлом иш шароитларини яратиш мақсадларига капитал ажратмаларининг салмоғи ҳам кўрилган даражада эмас. Меҳнатқашларнинг 35 фоизи оғир жисмоний меҳнат шароитида бандлигини эътиборга олсак, иш берувчилар билан ҳали бу борада жуда кўп тadbирларни амалга ошириш лозимлиги аён бўлади.

Таъкидланганидек, жамоа шартномалари ва тармоқ битимлари орқали меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан химоялашга имкон қадар эътибор кучайтирилмоқда. Бунинг учун тармоқ ходимларининг ўзи билими, тажрибали кишилар бўлиши

керак. Адолатни юзага чиқариш, меҳнатқаш ҳақ-ҳуқуқини химоя қилишнинг ўзи бўлмайдди. Анжуманда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Марказий кўмитанинг ўқув марказларидан тўлиқ фойдаланиш лозим, ахборот-тарғибот ишлари янги талаблар даражасида жонлантирилсин, деган ўринли фикрлар билдирилди.

Замонавий шароитда касаба уюшма органлари аъзолар сонини кўпайтириш, ҳар бир аъзонинг ишончини қозонишга эришиши фойда муҳимдир. Бунда шахсий ахборот, республика матбуотида чиқишлар қилиш, брошюра, услубий қўлланмалар чоп этишга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Иқтисодий глобаллашув жараёнини ҳалқаро касаба уюшмаларининг ҳамкорлик роли ўсиб боради. Шу ўринда кўчир ўйлашга, мушоада юритишга арзигулик бир муаммо бор. У ҳам бўлса айрим чет эл компаниялари ёлланма ходимларни, кирилотлар лозим даражада қатъиятлик кўрсатмапти. Худди шундай жойларда энг нуфузли жамоат ташкилоти обрўсига путур етмоқда.

Охириги вақтларда соғлом иш шароитларини яратиш мақсадларига капитал ажратмаларининг салмоғи ҳам кўрилган даражада эмас. Меҳнатқашларнинг 35 фоизи оғир жисмоний меҳнат шароитида бандлигини эътиборга олсак, иш берувчилар билан ҳали бу борада жуда кўп тadbирларни амалга ошириш лозимлиги аён бўлади.

Таъкидланганидек, жамоа шартномалари ва тармоқ битимлари орқали меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан химоялашга имкон қадар эътибор кучайтирилмоқда. Бунинг учун тармоқ ходимларининг ўзи билими, тажрибали кишилар бўлиши

Курултойда ташкилий масала кўрилди. Шавкат Одилов Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг раиси этиб сайланди.

НОДИР ЮСУПОВ, ЮНУСАЛИ ОЧИЛДИЕВ, "Ишонч" мухбирлари

Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси қурултойидан

(Боши 1-бетда)

Ушбу дастурларни амалга оширилиши доимий назоратда бўлди. Бошқарув раёсатлари ва Кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этилди. Дастурларни бажарилишининг йиллик натижаси бўйича кўриктанловлар ўтказилиб, голиблар рағбатлантириб борилди. Айниқса, кам таъминланган оилаларга, меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга асосий эътибор қаратилди.

Жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари меҳнатқашларга иш ҳақини ўз вақтида ҳамда конун талаблари асосида берилишига ҳам эътиборни кучайтирилди. Бунинг натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида ўртача ойлик иш ҳақи "Тошхажарйўловчтранс" компаниясида 123 миң 685 сўмни, "Ўзавтойўл" компанияси бўйича 81 миң 450, "Ўзтрансасаноат" уюшмаси бўйича 74 миң сўмни ташкил этди. 2000 йилга нисбатан бу кўрсаткичлар ўртача 4,5 баробар кўндр.

Лекин бугунги кунда иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўлашни бора-бора муаммолар ҳам бор. Таҳлиллар шунга кўрсатаяптики, кўрсатилган автотранспорт хизматлари ва бажарилган ишларга айрим ташкилотлар томонидан тўловлар ўз вақтида амалга оширилмапти. Натижада дебитор қарзлар вужудга келяпти. Бу эса автотранспорт ва автйўл соҳасидаги корхона ҳамда ташкилотларнинг бир меъёрида ишлашига, маошларнинг ўз вақтида тўлалишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Марказий кўмита Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида "Иш ҳақидан қарздорликни тугатиш бўйича касаба уюшмалари Ҳаракат тартибини" ишлаб чиқди. Бу ҳужжат жойлардаги вакилликлар ва бошланғич ташкилотларга тарқатилди. Раҳбарларнинг бу борадаги масъулиятини оширилди. Касаба уюшма ташкилотларининг мажлисларида ҳамда раёсат йиғилишларида кўриб чиқилди. Натижада 2004 йилнинг ўзида ундирилган иш ҳақи миқдори 103,6 миллион сўмни ташкил этди. Шу билан бирга иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш учун 31 марта маҳаллий органларга, 35 мартаба суд ва прокуратурага мурожаат этилди.

Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоялашнинг таркибий йўналишларидан яна бири меҳнат муҳофазасидир. Марказий кўмита тасарруфидаги 708 та ташкилотда иш берувчилар ҳамда касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорлигида бу борада муайян иш-

лар амалга оширилди. 2000 - 2004 йилларда меҳнат муҳофазаси бўйича 27013 та тadbир жамоа шартномаларига киритилган бўлса, шунинг аксарияти ҳаётда ўз аксини топди. Уларнинг бажарилиши учун катта миқдорда маблаг сарфланди. Хисобот даврида жамоатчи-назоратчилар томонидан корхона раҳбарларига 4 миң 212 та тавсия берилиб, ижроси қатъий назоратта олинди.

Деярли барча корхоналарда электр усуналари лаборатория синовларидан ўтказилган. Маиший хоналар, ошхоналар, ювниш жойлари ишлаб турибди. Лекин тармоқда бу борада камчиликлар ҳам мавжуд. Баъзи корхоналарда уч босқичли меҳнат муҳофазаси

ий тизимидан четда қолмасликлари керак.

Меҳнатқашларни ҳуқуқий химоялаш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинди. Беш йил давомида ишчи-хизматчилардан 615 та ёзма, 1 миң 128 та оғзаки шикоятлар тушди. Уларнинг кўпчилиги ижобий ҳал этилди. Аризалардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, айрим касаба уюшма ташкилотларининг эътиборсизлиги, баъзи бир раҳбарларнинг ҳуқуқий жиҳатдан бўлиши натижасида жойда ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар билан меҳнатқашлар юқори ташкилотларга мурожаат этмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила

ИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ КАДРЛАР ҲАЛ ЭТАДИ

си ҳамда техника хавфсизлиги назорати суст олиб бориляпти. Айрим бошланғич касаба уюшма ташкилотлари меҳнат муҳофазаси ҳолатини назорат этишга ўз фаолларини тўла сафарбар эта олмагяптилар. Жамоатчи назоратчилар ва меҳнат муҳофазаси бўйича комиссияларида ташаббус, ишга икдорий ёндошув етишмаяпти. Шу боисдан ҳам хисобот даврида 224 та бахтсиз ҳодиса рўй берди. Оқибатда 73 нафар киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. 37 нафар меҳнатқаш эса оғир тан жароҳати олди. Барча бўғиндаги раҳбарлар бундан тегишли ҳулоса чиқариб олишлари зарур. Шунингдек, улар бу борадаги назоратни бушаштирмасдан, ўзларига берилган конуний ҳуқуқларидан тўла фойдаланишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир муаммо. Кейинги вақтда кўпгина корхоналар фаолияти тугатилляпти. Юк ва йўловчи ташиш уюшмаларида ишловчилар сони қисқармоқда. Бундан ташқари, оғир молиявий шароитга тушиб қолган автокорхоналар ҳам бор. "Автомобилда йўловчи ва юк ташиш" уюшмаларида жорий йилнинг биринчи ярмида олтига корхона иқтисодий зарар билан ишлади. Хўжалик судининг қарорига мувофиқ 3 та ҳиссасдорлик ва 3 та масъулият чекланган жамият банкротга учраганлиги тўғрисида тугатилди.

Янги ташкил этилаётган қўшма корхоналар, шахсий ташувчилар уюшмалари меҳнатқашларини касаба уюшма аъзолигига жалб этишда сусткашликка йўл қўйилляпти. Корхона ва ташкилотлар ходимлари, мулкчиликнинг қайси турида бўлишларидан қатъий назар касаба уюшмаларининг ижтимо-

аъзоларини соғломлаштириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда тармоқда учта санаторий-профилакторий, 15 та болалар ёғи соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатаяпти. Хисобот даврида 12 миң нафардан зиёд меҳнатқашлар сыхатгоҳларда соғликларини тиклашди. 52 миң 234 нафар болалар ёғи мавсумда соғломлаштирилди.

Тармоқдаги яна бир долзарб вазифа кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдир. Дарҳақиқат, касаба уюшма етакчиси истикболни кўра биладиган ва инсон кадриятларига содиқликни фазилатларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши зарур. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 708 нафар касабакўм фаолият кўрсатган бўлса, уларнинг 113 нафарини оғиллар, 38 нафарини 30 ёшгача бўлганлар, 211 нафарини эса илк бор сайланганлар ташкил этди.

Курултойда хисобот маърузаси қилган Марказий кўмита раиси Алишер Мадалимов ва музокараларда қатнашган Марказий кўмитанинг Бухоро вилояти бўйича вакили Шаҳодат Ихтиёрова, Жиззах вилояти бўйича вакили Бектемир Худойбердиев ва бошқалар касаба уюшмалари олдига турган долзарб вазифалар хусусида алоҳида тўхталдилар.

Курултойда ташкилий масала кўрилди. Алишер Мадалимов Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг раиси этиб сайланди.

НЕЪМАТ РАФИҚОВ, "Ишонч" мухбири



"ЎЗДЭУАВТО" ҚЎШМА КОРХОНАСИ

МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Барча юртдошларимизни энг қадрли байрам — Наврўзи олам билан чин дилдан қутлайди. Янги кун барчангизга қутлуғ келсин. Хонадонингиздан қут-барака аримасин!



